

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖАНАДИЛОВ ШАҲБОЗ ЎКТАМОВИЧ**

**СУҒУРТА ФАОЛИЯТИГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.14 - Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертациидоктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD)in  
Economics Scinces**

**Джанадиллов Шахбоз Ўктамович**

Суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий  
этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш..... 3

**Джанадиллов Шахбоз Уктамович**

Совершенствование методических основ внедрения информационно-  
коммуникационных технологий в страховую деятельность..... 29

**Djanadilov Shakhboz Uktamovich**

The methodological improvement aspects of implementation of  
information-communication technologies in insurance activities..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖАНАДИЛОВ ШАҲБОЗ ЎКТАМОВИЧ**

**СУҒУРТА ФАОЛИЯТИГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.14 - Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt73-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ўломоов Саидахроор Саидахмедови**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оопонентлар:** **Махмуров Носир Махмурови**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Бабаев Каримжон Набижанови**  
иқтисодиёт фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот  
технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю. Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н. Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Р.Х. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар  
раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида суғурта фаолияти пул маблағлари фондини яратиш усуллари ўзида мужассамлаштирган тизим бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот экспорти ҳамда импорти, ишлаб чиқариш интеграцияси кабилар билан узвий боғлиқликда амалга оширилувчи фаолиятларни рисклардан ҳимоялаш, шунингдек, ҳар бир субъектнинг ўз фаолияти доирасини кенгайтириш, инвестицияларни ишончли жойлаштириш ва кредит олиш имкониятларини оширишга хизмат қилади. 2016 йилда дунё суғурта бозоридаги жами йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 4,7 трл. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичи 3,1 % бўлмоқда<sup>1</sup>. Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида юзага келиши эҳтимолига эга зарарларини қоплашнинг зарур воситаси сифатида ривожланиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суғурта соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий ислохотлар туфайли тармоқда рақобат асосида фаолият юритувчи турли мулкчилик шаклларидаги суғурта ташкилотлари фаолият юрита бошлади. Миллий суғурта бозори ривожланишининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиш кўлами кенгайиб, сифат кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда ва мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан қаратилган бундай чора-тадбирлар, солиқ бўйича берилган имтиёзлар, табиийки, ўз самарасини бермоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш»<sup>2</sup> вазифаси қўйилган. Бу борада суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш миллий суғурта бозорида рақобат муҳитини шакллантириш борасидаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида суғурта фаолиятига АКТни жорий этишга бағишланган илмий ишлар қамров ва ўринлилик нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда, бу борада, суғурта мукофотлари ва тўловлари таҳлилинини автоматлаштириш, суғурта мукофотларини қабул қилишда Интернет

<sup>1</sup> <http://www.swissre.com> - SWISS RE ахборот агентлигининг расмий веб сайти.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

технологиялари ҳамда электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш асосида суғурта компаниясида бизнес-жараёнларни ташкил этишда харажатларни камайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш каби муҳим илмий вазифаларни ҳал этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирари тўғрисида»ги фармонлари ва 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг «І.Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» деб номланувчи устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиёт тармоқларида АКТни қўллаш муаммолари, фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш ва статистик таҳлил қилиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ахборот-коммуникация технологияларини миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига жорий этишнинг илмий-амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кенг тадқиқ этилган. Улардан П.Драккер, М.Бандерман, Э.Ж.Вауган, А.В.Шиер, У.М.Файяд<sup>3</sup> ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларига АКТни жорий этишнинг илмий-амалий масалалари МДХ олимларидан В.Р.Банк, В.С.Зверев, Г.Н.Исаев, В.П.Лузин, А.В.Ламзин, Ю.В.Минин, Г.А.Титоренко, Ю.Н.Чернышов, Е.Шуремовнинг илмий ишларида ўрганилган. В.М.Базанов, А.В.Быстров, Н.Дубова, Д.В.Турчановский, А.А.Цыганов эса ўз тадқиқотларида бевосита суғурта соҳасида АКТни яратишнинг назарий ҳамда амалий асосларини ёритиб берганлар.<sup>4</sup>

<sup>3</sup> Drucker, P., Innovation and entrepreneurship. Routledge.Oxford, 2014; Bandermann M. Information technology in Europe: The EC Communication's View It European Information Tecnology Observatory 1994. – Mainz; Vaughan E.J. Fundamentals of Risk and Insurance. New York – John Willey and Sons, 2008.; Scheer A.W. Business Process Engineering: Reference Models for Industrial Enterprises.-1995.Press. Menio Park, 1996; Fayyad U.M., Piatetsky-Shapiro G, Smyth P.. From Data Mining to Knowledge Discovery: An Overview. Advances in Knowledge Discovery and Data Mining.

<sup>4</sup> Банк В.Р., Зверев В.С.. Информационные системы в экономике. Учебник. – М.: Экономист, 2005.; Исаев Г.Н. Информационные системы в экономике. – М.: ОМЕГА-Л, 2009.; Лузин В.П. Информационно-технические основы создания системы управления крупными рисками в страховой компании. – М.:

Ўзбекистонда АКТни миллий иқтисодиёт тармоқларига жорий этишни эконометрик моделлаштириш ҳамда суғурта фаолиятини бошқариш муаммолари бўйича мамлакатимиз иқтисодчи олимлари С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов, Р.Х.Алимов, С.А.Умаров, А.М.Абдувоҳидов, Қ.А.Алимов, А.Н.Арипов, Д.М.Расулов, А.Т.Кенжабаев, Р.А.Дадабаева, О.Қ.Рихсимбоев, А.А.Мусалиев томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.<sup>5</sup>

Мазкур тадқиқотларда ахборотлаштириш жараёнларига асосий эътибор қаратилган. Жумладан, С.А.Умаров томонидан республика иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида микро ва макро даражаларда суғурта фаолиятининг бошқарув тизимини такомиллаштириш, мижозлар учун манфаатли фаолият юритишда суғурта компаниясининг АКТга асосланган менежмент тизимининг умумий муаммолари тадқиқ этилган. А.О.Рўзиев томонидан ёзилган номзодлик диссертациясида эса суғурталаш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш ҳамда суғурта кўрсаткичлари тизими ёрдамида бошқарув қарорларини қабул қилиш масалалари кўриб чиқилган.

Т.М.Баймуратов муаллифлигида ёзилган монографияда эса, суғуртанинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти, бу фаолиятнинг ҳозирги ҳолати, уни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ўрганиб чиқилган ва такомиллаштириш механизмлари кўрсатилган. Бундан ташқари, рисклар трансфери ва тарифларни аниқлаш жараёнлари тадқиқ этилиб, мамлакатимизда суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш ва стратегик ривожлантириш йўналишлари асосланган.

Аммо ушбу тадқиқотларда суғурта фаолиятига АКТни комплекс жорий этиш услубияти ва унинг самарадорлигини баҳолашнинг усуллари кўриб чиқилмаган. Шу билан бирга, суғурталаш жараёнларини АКТ асосида

---

БУКВИЦА, 2000.; Ламзин А.В. Совершенствование системы управления процессом информатизации экономики региона. Автореферат дисс. ... канд. экон. наук. – Тамбов: ТГУ, 2008.; Минин Ю.В. Информационная система поддержки принятия решений, оптимизирующей коммерческую деятельность банка. Автореферат дисс. ... канд. техн. наук. – Тамбов: ТГТУ, 2005.; Титоренко Г.А. Информационные технологии управления. – 2-е изд. дополн. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.; Чернышов Ю.Н. Информационные технологии в экономике. Уч. пособие для вузов. – М.: Изд-во Выс-я школа, 2008.; Шуремов Е. Информационные технологии управления взаимоотношениями с клиентами. – М.: 1С- Паблишинг, 2005.; Базанов В.М.. Выбор стратегии автоматизации страховой деятельности, // Страховое дело, № 5, 2004.; Быстров А.В., Цыганов А.А. Основы организации страхования в Интернете. – М.: Анкил, 2005.; Дубова Н. Информатизация страхового бизнеса. // Открытие системы, № 11, 2003.; Турчановский Д.В. Организационно-технологические нововведения в функционировании пенсионного фонда Российской Федерации на основе компьютеризации. Автореферат дис. ... канд. экон. наук. – М.: Гос. ун-т упр., 2008.; Быстров А.В., Цыганов А.А. Основы организации страхования в Интернете. – М.: Анкил, 2005.;

<sup>5</sup> Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2010.; Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю., Алимов Қ.А. ва бошқалар. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма. / С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004.; Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш.: Док. дис. икт. фан. – Т.: ТДИУ, 2001.; Рўзиев А.О. Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёнларини такомиллаштириш.: Ном. дис. икт. фан. – Т.: ТМИ, 2012.; Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. - Т.: Fan va texnologiya, 2005.; Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: Док. дис. икт. фан. – Т.: ТМИ, 2005.; Бегалов Б.А., Мусалиев А.А. Информационно-коммуникационные технологии в национальной экономике. – Т.: Фан, 2008.

ташқил этиш, бевосита ушбу фаолиятдаги суғурта кўрсаткичлари тизимини таҳлил қилиш масалалари етарлича тўлиқ ўрганилмаган. Ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида суғурта фаолиятини комплекс таҳлил қилиш, уни бошқаришни автоматлаштириш ҳамда рақобат муҳити шароитида истиқболни белгилашда АКТдан фойдаланишнинг илмий-услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш муҳим тадқиқот вазифалари қаторига киради. Шулардан келиб чиқиб, ушбу диссертация ишининг мавзуси, тадқиқот объекти ва предмети ҳамда унинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш режасига мувофиқ «ФМ-9. Миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига инновацион ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этишнинг назарияси ва амалиёти» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** суғурта компаниялари фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида комплекс автоматлаштириш жараёнларининг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ривожланган давлатлар миллий иқтисодиётида суғурта компанияларининг тутган ўрнини статистик таҳлил қилиш;

миллий суғурта компаниялари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг таснифланиши ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг шаклланиб бориш жараёнларини статистик усуллар ёрдамида ўрганиб чиқиш;

суғурта компанияларидаги маълумотлар массивини оптимал ташқил этиш йўллари ишлаб чиқиш;

автоматлаштирилган ахборот тизимининг функционал жиҳатларини такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

суғурта компаниялари бошқарувида Интернет технологияларидан самарали фойдаланишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш;

суғурта компанияларида миқдорларга инновацион технологиялар асосида хизмат кўрсатиш истиқболини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият юритаётган ва турли хилдаги суғурта хизматларини кўрсатувчи «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқиш ва комплекс жорий этиш жараёни ташқил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг методологик асосида тизимли ва эконометрик таҳлил усуллари, оптималлаштириш усуллари ҳамда автоматлаштирилган ахборот тизимини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш

усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

ахборот-коммуникация технологияларини суғурта компаниялари фаолиятига самарали жорий этиш жараёнлари виртуал офис ва онлайн суғурта агентларини ўз ичига олган ҳамда ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро интеграцияланувчи автоматлаштирилган суғурта платформасини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

электрон суғурта полисларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва суғурта фаолиятига жорий этиш бўйича республика миқёсида ягона суғурта полислари реестрини яратиш, суғурта полисларини рўйхатга олишда суғурталанувчининг шахсий идентификация рақамидан фойдаланиш, суғурталанувчи ҳақидаги маълумотларни шакллантириш ва асслигини текшириш технологиясидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

суғурта компаниялари фаолияти ахборот тизимлари электрон тўлов тизимлари, идентификациялашнинг ягона тизими, Интернет ва «булутли ҳисоблаш» технологиялари асосида такомиллаштирилган;

суғурта компанияларини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш ва «ақлли уйлар», «ақлли автомобиллар» ҳамда дронларни суғурталаш каби янги турдаги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш методикаси таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

суғурта мукофотлари тушуми ва ҳар қандай давр учун суғурта тўловларини таҳлил қилиш имконини берувчи ахборот тизимларини ишлаб чиқиш жараёнлари такомиллаштирилган;

туман, вилоят ва республика даражаларида молиявий-иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва уни миллий суғурта тизимининг якуний фойдаланувчиларига тақдим этиш жараёнларининг автоматлаштирилишини такомиллаштиришга доир ёндашувлар асослаб берилган;

электрон суғурта полисларини татбиқ этиш ҳисобига суғурта полислари ягона реестрини яратиш ва бошқаришни автоматлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

суғурта фаолиятида инновацион технологияларни қўллаш асосида янги турдаги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш методикаси таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот иши жараёнида республика ва хорижнинг ахборотни моделлаштириш, суғуртани бошқариш, ахборот технологиялари соҳаларидаги етакчи муаллифлар ва илмий жамоаларнинг ишлари таҳлил қилинди ва улардан фойдаланилди. Диссертациянинг тадқиқот жараёнида тизимли таҳлиллар, иқтисодий таҳлил, графлар назарияси элементлари, ҳисоблаш тармоқлари ишланмалари, тузилмавий таҳлил ва лойиҳалаштириш методологияси қўлланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ушбу тадқиқот суғурта

фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўналишларини тадқиқ қилишнинг мажмуали ва тизимли тадқиқоти бўлиб, унда суғурта ахборот тизимларини комплекс лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш бўйича янги услубий ёндашувлар шакллантирилган. Тадқиқот натижалари суғурта фаолиятини бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш ҳақидаги билимларни мустаҳкамлайди ва суғурта муносабатларининг турли даражалари бўйича бошқариш тизимларини автоматлаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий натижаларидан суғурта компанияларининг ходимлари учун суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш стратегияларини тайёрлаш ҳамда амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Суғурта иши», «Ахборот-коммуникация технологиялари», «Иқтисодиётда ахборот тизимлари» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суғурта компаниялари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ахборот-коммуникация технологияларини суғурта компаниялари фаолиятида самарали жорий этиш жараёнлари виртуал офис ва онлайн суғурта агентларини ўз ичига олган ҳамда ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро интеграцияланувчи комплекс автоматлаштирилган суғурта платформасини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ўзагросуғурта» АЖ фаолиятига жорий этилган (Компаниянинг 2018 йил 12 апрелдаги 04-06/838-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг «Ўзагросуғурта» АЖ бўлимларида жорий этилиши натижасида электрон маълумот алмашиш ахборот тизими такомиллаштирилиб, суғурта фаолияти комплекс автоматлаштирилди, ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилинди ва суғурта фаолиятига доир маълумотларнинг тарқоқ массивларидан 35 %га қисқартирилган ягона маълумотлар базасига ўтиш имконияти яратилган;

электрон суғурта полисларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва суғурта фаолиятига жорий этиш бўйича республика миқёсида ягона суғурта полислари реестрини яратиш, суғурта полисларини рўйхатга олишда суғурталанувчининг шахсий идентификация рақамидан фойдаланиш, суғурталанувчи ҳақидаги маълумотларни шакллантириш ва асслигини текшириш технологиясидан фойдаланиш бўйича тавсиялар «Ўзагросуғурта» АЖ фаолиятига жорий этилган (Компаниянинг 2018 йил 12 апрелдаги 04-06/838-сон маълумотномаси). Берилган тавсиялар суғурта фаолиятида янги турдаги электрон суғурта полисларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш, суғурта полисларининг ягона реестрини яратиш орқали қалбакилаштиришни олдини олиш, суғурта полисларини ишлаб чиқишга сарфланувчи харажатларни

қисқартиришга эришилган. Мижозларга электрон суғурта полислари Интернет орқали юборилиши натижасида мижозларнинг суғурта полисларни олишга сарфланадиган вақти тежалган. Суғурта шартномаларини тузишда ҳужжат айланишининг соддалашиши ва суғурта маҳсулотларини сотиш харажатларининг 15 %га қисқаришига эришилган;

суғурта компаниялари фаолияти ахборот тизимларидан фойдаланиш жараёнларини электрон тўлов тизимлари, идентификациялашнинг ягона тизими, Интернет ва «булутли ҳисоблаш» технологиялари асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар «Ўзагросуғурта» АЖ фаолиятига жорий этилган (Компаниянинг 2018 йил 12 апрелдаги 04-06/838-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Интернет ва «булутли ҳисоблаш» технологияларидан фойдаланган ҳолда виртуал офислар яратилди ҳамда мижозлар билан интерактив алоқа қилиш, суғурта хизматларини сотишнинг янги каналлари ва ҳужжатларни онлайн тарзда қабул қилиш йўлга қўйилган. Мижозлар томонидан тўлдириладиган шакллардаги маълумотлар 30 %га камайтирилган ва суғурталаш жараёни тезлаштирилган. Жаҳон Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда онлайн тўлов имкониятларини йўлга қўйиш орқали компанияда суғурта хизматларини сотиш тизими такомиллаштирилган;

суғурта компанияларини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш ва «ақлли» уйлар, «ақлли» автомобиллар, электромобиллар ҳамда дронларни суғурталаш каби янги турдаги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш методикаси «Ўзагросуғурта» АЖ фаолиятига жорий этилган (Компаниянинг 2018 йил 12 апрелдаги 04-06/838-сон маълумотномаси). Таклиф этилган «ақлли» уйларни суғурталаш, «ақлли» автомобилларни суғурталаш каби янги турдаги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш методикасидан компанияда янги турдаги суғурта маҳсулотларини яратиш ҳамда мавжуд суғурта маҳсулотларини инновацион технологиялар асосида янада такомиллаштириш орқали суғурта фаолиятини кенгайтиришда фойдаланилган ва мижозлар учун янги турдаги суғурта маҳсулотлари таклиф этилган ҳамда мавжудлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола (жумладан, 12 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Суғурта компаниялар миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатишининг назарий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида ривожланган давлатлар миллий иқтисодиётида суғурта компанияларининг тутган ўрни ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг шаклланиб бориш жараёнлари ва суғурта компаниялари фаолиятида дуч келадиган муаммолар кўрсатиб берилган.

Бугунги кунда республикада миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида модернизациялаш, техник янгилаш, диверсификация қилиш ва айниқса АКТни кенг жорий этиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, иқтисодиётнинг суғурта секторида ҳам АКТга асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва суғурта компаниялари фаолиятига АКТни тўлақонли қўллаш хусусий ва давлат тузилмаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суғурта фаолияти пул маблағлари фондини яратиш усулларини мужассамлаштирган тизим бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот экспорти ҳамда импорти кабилар билан узвий боғлиқликда амалга ошириладиган фаолиятларни рисклардан ҳимоялаш, шунингдек, ҳар бир субъектнинг ўз фаолияти доирасини кенгайтириш, инвестицияларни ишончли жойлаштириш ва кредит олиш имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Жаҳон амалиётида суғурта бозорининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида ушбу бозорнинг ривожланганлик даражаси суғурта мукофотлари ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улуши билан ифодаланади. 2016 йилда дунё суғурта бозоридаги жами йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 4,7 трл. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу 2015 йилдагига нисбатан 3,1 % ортиқдир<sup>6</sup>.

Тадқиқотларимизга кўра, 2016 йилда дунёнинг 10та энг катта суғурта компанияси томонидан тўпланган жами суғурта мукофотлари миқдори 1,015 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2015 йилдаги

<sup>6</sup> <http://www.swissre.com> - SWISS RE ахборот агентлигининг расмий веб сайти.

кўрсаткичларга нисбатан 1,8 %га ўсганини кузатишимиз мумкин (1-жадвал). Дунё бўйича энг йирик суғурта компанияси Ping(Хитой) бўлиб, 2016 йилда унинг тўплаган суғурта мукофотлари 6,18%га қисқарганига қарамай, фойда миқдорининг ўсиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди.

**1-жадвал**

**2016 йилда жаҳоннинг 10та энг йирик суғурта компаниялари  
(млрд. АҚШ дол.)<sup>7</sup>**

Т/р	Компаниялар	Бозор нархи	Активлари	Савдо миқдори	Фойда миқдори
1.	Ping (Хитой)	90,0	732,3	98,7	8,7
2.	Allianz SE (Германия)	79,7	926,2	115,4	7,3
3.	AXA Group (Франция)	61,9	965,4	120,8	5,9
4.	MetLife (АҚШ)	51,4	884,2	68,0	5,3
5.	American International Group (АҚШ)	63,7	496,9	58,3	2,2
6.	Munich RE (Германия)	34,1	295,7	63,5	3,4
7.	Swiss RE (Швейцария)	35,4	189,6	35,7	3,4
8.	Generali Group (Италия)	24,1	539,3	97,1	2,3
9.	Zurich Insurance Group (Швейцария)	33,1	364,2	60,8	1,8
10.	Allstate (АҚШ)	24,7	106,5	35,6	2,2

Амалиётга кўра, ривожланган мамлакатлар суғурта компаниялари дуч келаётган муаммолар орасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

йирик суғурта гуруҳларининг пайдо бўлиши;

қимматли қоғозларга инвестициялар;

мижозлар томонидан сўровларнинг ортиши;

янги АКТнинг пайдо бўлиши;

суғурта хизматчиларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш.

Тадқиқотларимиз суғурта фаолияти иқтисодий тоифа сифатида қуйидаги аломатлар билан тавсифланишини кўрсатмоқда:

барча иштирокчилар ўртасида зарар қийматини ҳисоблаш билан боғлиқ суғурта иштирокчилари ўртасида ёпиқ қайта тақсимлаш муносабатлари;

суғурталанувчиларнинг тўловлари ҳисобига мақсадли суғурта жамғармаси ва суғурта ходисаси юз берганда суғурталовчи томонидан кутилаётган суғурта бадалларини тўлаш маблағларини шакллантириш;

суғурта тўлови қийматининг суғурта жамғармасини яратган иштирокчилар сонига боғлиқлиги;

суғурта фаолияти билан бирга инвестиция фаолиятидан ҳам фойда олиш.

Тадқиқотларимизга кўра, Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида 2015 йилда ихтиёрий суғурта бўйича суғурта тўловлари ҳажми 67,2 млрд. сўм бўлган бўлса, 2016 йилда 97,4 млрд. сўмга тенг бўлган. Мажбурий

<sup>7</sup> www.forbes.com - "Forbes" рейтинг агентлигининг расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

суғурта бўйича суғурта тўловлари ҳажми 2015 йилда 43,8 млрд. сўм бўлган бўлса, 2016 йилда 33,1 млрд. сўм бўлиб, 31,3 % камайиш кузатилган (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2016 йил якунлари бўйича суғурта тўловлари ҳажми<sup>8</sup>**

Суғуртани кредитлашга яқинлаштирувчи хусусият суғурта жамғармаси маблағларининг қайтувчанлигидан иборат. Кредит маблағларининг қайтувчанлиги таъминлаганидек, ҳаётни суғурталаш ҳам маблағларнинг қайтувчанлиги билан тавсифланади. Суғуртанинг бошқа турларига нисбатан суғурта қопламасини тўлаш суғурта ҳодисаси юз берганда ва шартномада келишилган миқдорда амалга оширилади.

Республикада суғурта компаниялари ташкилий шаклига кўра куйидагича изоҳланади:

давлат суғурта компанияларида давлат суғуртачи сифатида иштирок этади;

хусусий капитал акциядорлик суғурта компанияларида жисмоний шахсларга тегишли устав капиталига эга турли жамиятлар кўринишида суғуртачи сифатида иштирок этади;

ўзаро суғурталаш компаниялари, бунда нодавлат ташкилий шакллари жисмоний ва юридик шахслар томонидан улушли асосда ўз мулкий манфаатларини суғуртали ҳимоя қилиш мақсадида яратилади;

суғурта фаолиятининг нодавлат нафақа фондлари ташкилий шакли аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга мўлжалланган;

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлар асосида муаллиф томонида тайёрланди.

ихтисослашган қайта суғурталаш компаниялари суғурта ҳодисаларини ўзаро шартнома асосида қайта суғурталашни таъминлайди.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда суғурта бизнеси ривожланишининг бир нечта босқичларини босиб ўтиб, суғурта ва қайта суғурта бозорида хорижий капиталнинг иштироки тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон суғурта ташкилотлари томонидан 2016 йилда юридик ва жисмоний шахсларга 130,5 млрд. сўм суғурта қопламалари тўланган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 17,7 %га ўсган (2-жадвал).

2-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори ривожланишининг асосий кўрсаткичлари<sup>9</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Суғурта компаниялари сони	35	33	31	31	30	26
Шу жумладан:						
- умумий суғурта тармоғида	34	31	29	28	27	23
- ҳаёт суғуртаси тармоғида	1	2	2	3	3	3
Ихтисослаштирилган брокерлар	3	2	2	2	3	3
Актуар ташкилотлар	2	3	4	2	2	4
Суғурта мукофотлари, млрд. сўм	221,8	285,9	338,5	439,1	515,7	692,6
Суғурта тўловлари, млрд. сўм	45,1	46,0	66,9	74,6	111,0	130,5

Хулоса қилиб айтсак, ҳозирги босқичда иқтисодий муносабатларни ривожлантириш нуқтаи-назаридан миллий суғурта бозори, бу мавжуд иқтисодий воқеликнинг намоён бўлишидир. Миллий суғурта бозорини АКТ асосида ривожлантириш мамлакатда инвестиция муҳити шаклланишида ва фаол тадбиркорликнинг жадал ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Илмий ишнинг иккинчи боби «**Суғурта фаолияти ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг услубий жиҳатлари**» деб номланган бўлиб, унда суғурта фаолиятини ахборотлаштириш жараёнларининг ривожланиш тенденциялари, суғурта компаниялардаги маълумотлар массивини оптимал ташкил қилиш ва суғурта автоматлаштирилган ахборот тизимининг функционал жиҳатларини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотларимизга кўра, ҳозирги кунда суғурта фаолиятининг функционал масалалари, яъни суғурта мукофоти ва қопламалари ҳисобини юритиш, суғурта полислари назоратини олиб бориш сингари масалаларни АКТ асосида тартибга солиш ва уларни ҳал этиш, ушбу фаолиятнинг ахборот тизимларини шакллантиришда суғурта маълумотлари банки ва базаларини лойиҳалаштириш тартибини АКТ ёрдамида ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш масалаларини ҳал

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

этиш борасида Microsoft, Oracle, SAP, IBM ва шу каби жаҳоннинг йирик компаниялари ҳам иш олиб бормоқда.

Тадқиқотларимиз ахборот тизимлари бозори 2015 йилга нисбатан 2016 йилда ўрта ҳисобда 15,8 %га ўсиш кузатилганлигини, хусусан, 2015-2016 йилларда Oracle компаниясида 28,5 % энг юқори ўсиш кўрсаткичи кузатилган бўлса, энг паст кўрсаткични SAS Institute компанияси 21,0 % зарар кўргани, ҳамда юқори ўсиш кўрсаткичи бўйича Microsoft (25,0 %) ва SAP (14,8 %) компаниялари дунё ахборот тизимлари бозорида Oracleдан кейинги ўринларни эгаллаб турганини кўриш мумкин<sup>10</sup> (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ахборот тизимлари бозорининг 2015-2016 йиллардаги ҳолати<sup>11</sup>

Компания номи	2015 й.		2016 й.		2015-2016 йиллардаги ўсиш кўрсаткичи (фоизда)
	Даромади (млрд. АҚШ доллари)	Бозордаги улуши (фоизда)	Даромади (млрд. АҚШ доллари)	Бозордаги улуши (фоизда)	
SAP	2,7	23,7	3,1	23,5	14,8
Oracle	1,4	12,3	1,8	13,6	28,5
SAS Institute	1,9	16,7	1,5	11,4	-21,0
IBM	1,6	14,0	1,7	12,9	6,25
Microsoft	1,2	10,5	1,5	11,4	25,0
Бошқалар	2,6	22,8	3,6	27,2	38,5
Жами	11,4	100,0	13,2	100,0	15,8


Тадқиқотларимиз суғурта компаниялари учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишда қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатмоқда:

- суғурта шартномаларини тузишда ахборот таъминотини фаоллаштириш;
- барча шартномалар бўйича ягона маълумотлар базасига эга бўлиш;
- маълумотлардан фақат рухсатнома асосида фойдаланишни таъминлаш;
- ишончли ахборотларга талабларни қондириш;
- маълумотларнинг йўқотилиши, ташқи ҳужумлардан ҳимоялаш;
- бизнес-жараёнларни самарали назорат қилиш ва маъмурлаштириш.

Муаллифнинг фикрича, «Ўзагросуғурта» суғурта компаниясининг ички маълумотлар массиви компания доирасида битта бўлимдан иккинчисига ўтказилувчи ҳамда муайян суғурта хизматларининг сотилишига фаол таъсир этадиган ахборотларни ўзида сақлайди (2-расм). Тадқиқотимиз объекти бўлган «Ўзагросуғурта» суғурта компаниясининг ташкилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда ички маълумотлар массивининг мажмуасини учта асосий гуруҳ, яъни кадрлар, молия, ҳисобга олиш ҳужжатлари гуруҳларига ажратиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар ҳар битта суғурта компаниясида унинг ихтисослашганлиги ва ички тузилишидан қатъий назар мавжуд бўлади.

<sup>10</sup> practicalanalytics.wordpress.com-"Business analytics" таҳлилий статистик маълумотлар блоги.

<sup>11</sup> practicalanalytics.wordpress.com-"Business analytics" таҳлилий статистик маълумотлари асосида шакллантирилган.



**2-расм. «Ўзагросуғурта» суғурта компаниясининг ички маълумотлар массиви<sup>12</sup>**

Тадқиқотимизда «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси ҳамда унинг таркибига кирувчи вилоятлардаги филиалларга кирувчи маълумотлар массиви ҳажмини ҳисоблаб чиқдик (4-жадвал). «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси ички электрон маълумотлар алмашиш тизими орқали барча бўлимлар томонидан қабул қилинган маълумотлар массивининг умумий ҳажми 2017 йилда  $M_i = 23387700$  реквизит-кўрсаткичга тенг бўлиб, бундай катта ҳажмдаги маълумотлар массивини бошқариш, маълумотларни йиғиш, сақлаш ва узатиш тезлигини ошириш ҳамда ишчи ходимларнинг ушбу маълумотларни қайта ишлашга сарфланувчи вақтини тежаш сингари вазифаларни АКТ асосида суғурта компанияси фаолиятини комплексли автоматлаштириш орқали амалга ошириш мумкин.

Кирувчи маълумотлар массивининг ҳажми  $M_i$  қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$M_i = \sum_{i=1}^n H_i * K_i * T_i \quad , \quad (1)$$

бу ерда:

$H_i$ -бир хил турдаги асосий ҳужжатнинг ўртача кўрсаткичлари;

$K_i$ - бирламчи ҳужжатни акс эттирадиган кузатув реквизит-кўрсаткичлари сони;

<sup>12</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

$T_i$ -йил давомида  $i$ - маълумот турларини қайта ишлаш даври, сони (12, 4, 2,1);

#### 4-жадвал

### «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси ва унинг таркибига кирадиган вилоят филиалларига кирувчи маълумотлар массиви ҳажми ( $M_i$ )<sup>13</sup>

№	Бўлимлар номи	$M_i$ 2017 й.	Кўрсаткичлар		
			$H_i$	$K_i$	$T_i$
1.	Мажбурий суғурта	8089440	84265	24	4
2.	Суғурта даъволарини кўриб чиқиш	1643776	12842	32	4
3.	Бухгалтерия	529056	7348	18	4
4.	Ҳисоб ва ҳисобот	3136	14	56	4
5.	Ходимлар билан ишлаш	78840	270	73	4
6.	Қайта суғурталаш	30688	548	14	4
7.	Худудларни ривожлантириш	2464	28	22	4
8.	Маркетинг ва реклама	672	12	14	4
9.	Ички аудит хизмати	864	18	12	4
10.	Акциядорлар билан корпоратив алоқалар	1120	8	35	4
11.	Стратегик режалаштириш ва сифат назорати	9984	32	78	4
12.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш	24440	235	26	4
13.	Суғурта захираларини бошқариш	21840	130	42	4
14.	Қишлоқ хўжалигини суғурта қилиш	86800	620	35	4
15.	Филиаллар	12864580	102281	453	60
	Жами	23387700	208651	934	116

Тадқиқотимизга кўра, ҳар бир суғурта шартномаси суғурта маҳсулотининг турига қараб фарқ қилади ва ўртача ҳажми 14та бўлган мезонлари билан ҳисоблаб чиқилади. Бир ойда тузилган суғурта шартномалари ва унинг ўртача ҳажмини кўпайтириш натижасида маълумотлар массиви ҳажми ҳисобланади. Жадвалдан кўриниб турибдики, 2017 йил «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси ва унинг филиалларига кирувчи маълумотлар массивининг ҳажми  $M_i=23387700$  реквизи-кўрсаткичга тенг бўлиб, энг катта қисми, яъни 12864580 реквизи-кўрсаткич вилоят филиалларига тегишли.

Тадқиқотимизда «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси ҳамда унинг таркибига кирадиган вилоятлардаги филиаллардан чиқувчи маълумотлар массиви ҳажмини ҳисоблаб чиқдик.

Чиқувчи маълумотлар массивининг ҳажми  $M_{ich}$  қуйидаги формула билан аниқланади:

$$M_{ich} = \sum_{ich=1}^n H_{ich} * K_{ich} * T_{ich} \quad (2)$$

бу ерда:  $H_{ich}$ -бир хил турдаги асосий ҳужжатнинг ўртача кўрсаткичлари;

<sup>13</sup> «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$K_{ich}$ - бирламчи хужжатни акс эттирувчи кузатув реквизит-кўрсаткичларининг сони;

$T_{ich}$ -йил давомида  $i$ - маълумот турларининг қайта ишлаш даври, сони (12, 4, 2, 1);

Муаллифнинг ҳисобига кўра, «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси 2017 йилда ички электрон маълумотлар алмашиш тизими орқали барча бўлимлар томонидан чиқувчи маълумотлар массивининг умумий ҳажми  $M_{ich}=15024744$  реквизит-кўрсаткичга тенг бўлган.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, суғурта компаниясида суғурта полисларини сотиш ҳамда моддий ва молиявий оқимлар тўғрисидаги ахборотларни электрон қайта ишлаш, компьютерларда ахборотлар ҳаракатини, моддий оқимларни режалаштириш, ташкил этиш, тартибга солиш, ҳисобга олиш, назорат қилиш ва таҳлил қилишда хужжатлар айланишини автоматлаштириш замонавий интеграллашган суғурта ахборот тизими концепциясини амалга ошириш имконини берди. Катта ҳажмдаги ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш, ахборотларни йиғиш ва тақдим этиш билан боғлиқ бизнеснинг муҳим иқтисодий муаммоси ҳисобланади. Шу боис ҳам иқтисодий жиҳатдан рентабел бўлган ахборотларнинг тўпланишини таъминлаш, тўпланадиган ахборотларнинг омиллари камайтириш ва ахборот узатиш тармоғини оптималлаштириш жуда муҳим ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, маълумотлар массиви суғурта компаниясини бошқариш ва ривожлантириш учун марказий бўғин ҳисобланади. Чунки маълумотлар массиви асосида компания раҳбарияти томонидан келажакда стратегик режа ишлаб чиқилади. Суғурта маълумотлар массиви бир-биридан ажралган ҳолда фаолият кўрсатмасдан, биргаликда суғурта компаниясининг ахборот тизимини ташкил этади. Суғурта компаниясининг ахборот тизими унинг самарали фаолият юритиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки у айланиб юрувчи ахборотларнинг долзарблиги, суғурта компанияси бўлинмалари орасидаги ахборотли алоқа, суғурта ахборотларига эҳтиёжнинг мазмунини таъминлайди.

Миллий суғурта бозорининг такомиллашиб бориши, фуқароларнинг суғурта хизматларига ишончларини янада ошириб, суғурта компанияларида миждозларга сифатли хизмат кўрсатишни самарали йўлга қўйиш учун катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш заруриятини келтириб чиқаради. Фикримизча, республикамызда суғурта фаолиятига АКТни комплекс татбиқ этиш сабаблари қуйидагилар:

суғурта қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси такомиллашиб, унинг тартиби, процедура ва жараёнларини аниқроқ белгиловчи расмий хужжатлар сони ошиб бормоқда;

суғурта компаниялари фаолиятининг такомиллаштирилган технологияси яратилмоқда;

суғурта қилиш объектлари сонининг кенгайиши суғурта компаниялари хизмат кўрсатиш тармоғининг кенгайиб боришини рағбатлантирмоқда; суғурта хизматлари бозорининг ривожланиши кузатилмоқда.

Тадқиқот ишимизда «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси ахборот тизими виртуал офис ва компания веб сайти орқали ишловчи виртуал суғурта агентларини ўз ичига олган ҳамда ташқи ахборот тизимлари билан интеграция қилиш имконияти мавжуд автоматлаштирилган ахборот тизими шаклида такомиллаштирилди (3-расм). Ушбу ахборот тизимида компания бўлимлари томонидан фойдаланилувчи барча дастурий таъминотлар ягона платформага жойлаштирилди ва компания веб сайти ҳамда мобил иловаси билан ўзаро ахборот алмашишни йўлга қўйиш учун оптималлаштирилган маълумотлар базаси асосида виртуал офис хизмати ишга туширилди.



**3-расм. Такомиллаштирилган "Ўзагросуғурта" суғурта компанияси ахборот тизимининг таркибий тузилиши<sup>14</sup>**

«Ўзагросуғурта» суғурта компаниясида ахборотларни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш суғурта қилдирувчилар ва суғурта қилувчилар ҳаракатларини ҳужжат кўринишда расмийлаштириш учун қўлланиладиган

<sup>14</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

хужжатлар шаклларининг сезиларли миқдори билан ўзаро боғлиқ бўлмоқда. Бу хужжатлар кўлда ёки оргтехникадан фойдаланган ҳолда тўлдириладиган хужжат шакллари анъанавий кўринишга эга бўлиб, бирламчи хужжатларнинг ахборотлари машина ташувчисида йиғилиши ва рўйхатдан ўтказилиши талаб этилмоқда.

Маълумотларни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш босқичи бирламчи хужжатларнинг «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси бўлинмалари ва хизматларидаги хужжатларда рўйхатдан ўтказилиши ҳамда машина ташувчиларида бирламчи маълумотларни тайёрлашни таъминлайди.


Хулоса қилиб айтсак, ахборотларни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш кўп меҳнат талаб қилувчи босқич бўлиб, МБнинг сифат даражасига таъсир этади ва суғурта компанияси ахборот тизимининг ўтказиш қобилияти ана шу босқичнинг маҳсулдорлигига боғлиқ бўлади. Бунда асосий муаммо машина ташувчиларига ҳар қандай АТнинг асоси бўлган катта миқдордаги меъёрий-маълумотли ахборотлар, шунингдек бирламчи хужжатлардаги маълумотларнинг ўтказилиши ҳисобланади. Бу катта меҳнат харажатларини ва ахборотларнинг паст сифатини таъминлайди ҳамда фойдаланувчиларнинг қайтадан ўқитилишини талаб этади.

Диссертациянинг **«Ахборот-коммуникация технологиялари асосида суғурта фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари»** деб номланган учинчи бобда суғурта компаниялар бошқарувида Интернет технологияларидан самарали фойдаланишнинг услубий жиҳатлари, суғурта фаолиятида ахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш усуллари ва миллий суғурта компанияларини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш истиқболлари изоҳлаб берилган.

